311094

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 15 октябрь, шанба № 155 (21.729). Сотувда эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

СУРАТДА: йиғилиш пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Илгари хабар қилинганидек, 13 октябрь куни Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда вазирликлар, Давлат қўмиталари, ташкилотлар, уюшмалар, концерн ва корпорациялар раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида 1994 йилнинг тўққиз ойида республика бюджети бажарилишининг якунлари, ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш, пул муомаласини янада барқарорлаштириш, миллий валюта — сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақида республика ички бозорини озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдириш масалалари муҳокама этилди.

— Мустақиллик шароитида яшаш, ишлаш кўнгилга бир олам ғурур ва шукуҳ бахш этибгина қолмай, ҳар бир вазир, раҳбар, ҳатто оддий фуқаро зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди,— деди Президент Ислом Каримов мажлисни очиб.— Зеро, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг куни қандай кечади, таъминоти нима бўлади, мустақил Ватанимизнинг порлоқ келажаги нечук барпо этилади— бу саволлар қаршисида барчамиз жавобгармиз. Илгари бирон бир муаммо туғилса Москвада ҳал этиларди. Бугун эса, тақдиримиз ўз қўлимизда, демакки, ҳар бир муаммонинг ечимини ҳам ўзимиз топишимиз керак. Бу эса теварак-атрофимизда, кўшни мамлакатларда рўй бераётган воқеаларга тийрак кўз билан қарашимиз, сезгир бўлишимиз, улардан ўзимизга керакли хулоса чиқариб олишимизни тақозо этади. Чунки, ҳеч бир мамлакатнинг иқтисодиёти, умуман ҳаёти ташқи оламдан ўзилган ҳолда кечмайди.

Шу маънода, куни кеча Москва банклараро валюта биржасида рўй берган фавқулодда воқеа, яъни Россия рублининг АҚШ долларига нисбатан қадри кескин пасайиб кетиши, бизни ҳушёр торттириши даркор, деди Президент. Бу, таъбир жоиз бўлса, огоҳлантирувчи қўнғироқдир. Бундай деганимнинг сабаби шундаки, бизда ҳам кўплаб йирик корхоналарнинг фаолияти ҳали ҳам Россия билан чамбарчас боғлиқ. Биз у ердан турли маҳсулот ва кўплаб бутловчи материаллар оламиз. Рублнинг қадрсизланиши ана шу материалларнинг нархига таъсир этиши мумкин. Шу жиҳатдан, тузилган шартномаларни бажаришда, янгиларини тузишда вазирликлар, корхоналар раҳбарлари, мутахассислар ўта ҳушёрлик билан иш кўришлари талаб этилади.

Масаланинг яна бир томони шундаки, Москвада рўй берган ана шу воқеа бизнинг бозоримизга қандай таъсир ўтказади? Бизда ҳам шунга ўхшаш вазият вужудга келмайдими? Бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Бугун бу ерда мана шу мураккаб саволларга ҳам жавоб топишимиз, амалга оширишимиз зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб олишимиз лозим.

Шу ўринда пулнинг қадрсизланишига асосан нима сабаб бўлади, деган саволни ўртага қўйиб, таҳлил қилиш жоиздир.

Мутахассислар, қолаверса, ҳаммамиз ҳам яхши биламизки, бунинг сабаби муомалада ортиқча, бошқача қилиб айтганда, товар билан таъминланмаган нақд пулнинг кўпайиб кетишидир. Хўш, бу «ортиқча» пул қандай пайдо бўлади? Мана шу ерда ўзаро тўловлар муаммоси келиб чиқади. Айтайлик, бир корхона зарар кўриб ишлайди, бошқа корхоналардан қарз, банкдаги ҳисоб варақасида пули йўқ. Лекин унга турли йўллар билан кредит берилаверади. У шу ҳисобдан ходим ва ишчиларига маош тўлайди. Кўриб турибсизки, ортиқча, товар билан таъминланмаган пул муомалага чиқади. Агар бундай корхоналар мамлакат бўйича ўнта, юзта бўлса-чи? Буёғини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Демоқчиманки, пул қадрсизланишига асосий сабаб — корхоналарнинг амалга оширилмаган ўзаро тўловлари — бир-биридан қарзидир. Биз бу хавфнинг олдини олиш мақсадида марказ ва вилоятларда кредит бериш бўйича махсус комиссиялар тузган эдик. Афсуски, улар зиммасига юклатилган вазифани тўла бажармаяпти. Йўқса, республика корхоналарининг ўзаро қарзи 5 миллиард сўмдан ортиб кетганини қандай тушунмоқ керак?

Энди ўзаро қарз қандай пайдо бўлишини кўриб чиқайлик. Дейлик, бир корхона муайян маҳсулотни ишлаб чиқаради. Албатта уни сотиши керак. Шунда бепарволикка йўл қўйилади. Маҳсулот тўлов қобилиятига эга бўлмаган, яъни пули йўқ харидорга жўнатиб юборилади. Демакки, сотувчи маҳсулоти учун пул ололмайди. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқариши учун бировдан хом ашё олган, электр қуввати, газ ва бошқа сарф-харажат қилган. Ўз навбатида ишлаб чиқарувчи ҳам бировдан қарз. Шу йўсин охири топилмайдиган «қарзлар занжири» пайдо бўлади.

Бунга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак? Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси тўлов қобилиятига эга харидоргагина маҳсулот етказиб бериши, бунга ана шу вазирлик, корхона раҳбари шахсан масъул бўлиши лозим. Афсуски, бизда кўплаб раҳбарлар ҳисоб-китобни пухта билмайди, бу ишлар билан жиддий шуғулланмайди. Гўё бу масалаларни улар учун ҳукумат, Молия вазирлиги, банк ечиб бериши керак! Энди ишга бундай ёндашишга чек қўйиш пайти келди. Қайсики раҳбар «текин»га маҳсулот берса, ҳақини вақтида ундириб ололмаса, бунинг оқибатида ишчилари маошсиз қолса, ана шу одамлар олдида ўзи жавоб беради. Токи улар маошсиз қолишига ким сабабчи эканини аниқ билиб қўйсин, ҳукуматдан, банкдан пул бермаяпти, деб беҳуда ранжиб юрмасин. Ёки ўзаро тўлов амалга ошмаслиги оқибатида ун, ўсимлик ёғи, шакар каби зарур маҳсулотлар таъминотида бирон узилиш рўй берса, бундан албатта аҳоли жабр кўради. Хўш, бунга ким жавоб беради? Яна такрорлайман, вазирлар, корхона раҳбарлари, билиб қўйинглар, бу борада талаб қаттиқ бўлади, деди Президент.

Биз бозор иқтисодиётини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасида бир қанча қонунлар қабул қилганмиз. Мен келтирган мисоллардан кўриниб турибдики, вазирликлар, корхона раҳбарлари ана шу қонунларга тўла амал қилмаяпти. Шундай экан, Адлия вазирлиги, прокуратура, хўжалик суди қаёққа қараяпти! Нега улар баъзи муттаҳамларга қарзни тўлаш шартлигини эслатиб қўймайди. Қонунга мувофиқ жавобгарликка тортмайди? Ахир, биз ҳуқуқий давлат барпо этяпмиз-ку! Шундай экан, бу давлатда қонунлар сўзсиз бажарилиши шарт эмасми?

Умуман, бу вазиятдан чиқишнинг йўли борми? Бор. Бу йўл — хусусийлаштиришни жадал амалга оширишдир, дея таъкидлади Ислом Каримов. Чунки, корхонанинг ҳақиқий эгаси бўлса, у бир мисқол ҳам маҳсулотни бировга текинга бермайди. Ҳақини нима қилиб бўлсада, ундириб олади. Шунинг учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини чуқурлаштириш, одамлар онгига мулкка эгалик ҳиссини янада теранроқ сингдириш даркор.

Инфляцияни пасайтириш, миллий валютамизнинг харид қувватини мустаҳкамлашнинг яна бир йўли пул эмиссиясини камайтириш, яъни одамлар қўлида пул тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, уни товарлар таклиф этиш, хизмат кўрсатиш орқали банкка қайтаришдир. Афсуски, жойларда бу борада ҳам етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида берилган пулнинг ўртача 70—75 фоизи одамлар қўлида қолиб кетяпти. Вилоят ва туман ҳокимлари эса ойлик бериш учун пул юборинг, дейишдан нарига ўтмаяпти. Ваҳолонки, улар ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги пуллик хизмат турларини ташкил этиш ҳақида қайғуриши керак!

Биз Ўзбекистоннинг танлаган ўз йўли бор деймиз. Иқтисодиётнинг устивор тармоқларига инвестициялар бериш, аҳолининг турмуш даражаси пастлаб кетишига йўл қўймаслик ана шу йўлимизнинг муҳим жиҳатларидандир, деди Президент. Ўзингиз ўйланг, пахта ва ғалла етиштиришга, Дўстлик ва Асакадаги автомобиль заводлари қурилишига, Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ нефть конларини ўзлаштиришга, ободонлаштириш ишларига маблағ ажратмай бўладими? Ахир, улар орзу қилаётган буюк келажагимизни таъминлайдиган, охир-оқибатда бизни иқтисодий мустақилликка олиб чиқадиган соҳалар-ку! Қолаверса, нефть ва ғалла билан ўзимизни таъминласак, шунинг ўзиёқ йилига қариб 1 миллион тонна пахта толасини тежаш имконини беради. Ҳадемай, бу сарфлаган маблағларимизнинг, фидокорона меҳнатимизнинг самарасини кўрамиз! Ёки баъзи Ҳамдўстлик мамлакатларидагидек, одамларнинг 2—3 ойлаб, ҳатто ярим йиллаб маош олмаслигига йўл қўйиш мумкинми?

Йўқ, асло! Халқимизнинг табиати шундайки, уйида бир қоп—ярим қоп ун, озгина ёғ, шакар, чой захираси бўлмаса, ўзини хотиржам сезмайди. Шукрки, республикамизда ана шундай энг зарур маҳсулотлар етарли миқдорда ғамлаб қўйилган. Бундан одамларнинг кўнгли тўқ бўлсин. Шундай экан, халқимиз яратган бойликни асраб-авайлашимиз, мамлакатимизда молия интизомини янада мустаҳкамлашимиз, ички бозоримизни зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдиришимиз, қисқача айтганда, иқтисодиёт қонунларига амал қилиб ишлашимиз ва яшашимиз лозим. Зеро, барчамизнинг мақсадимиз бир. У ҳам бўлса, Ватанимизни обод, халқимизнинг ризқини тугал кўриш, ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилишдир, деди Президент пировардида.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ўзаро ҳисоб-китобларни қисқа муддатда ҳал этиш, сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш, республикада пул муомаласини барқарорлаштириш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш хусусида республика Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, банк муассасаларининг масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш юзасидан тегишли уюшма ва ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

Аҳмад ХУЖА.
(ЎзА).

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

14 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий кон металлургия комбинати директори Николай Кучерскийга «Дўстлик» ордени топширди.

— Николай Ивановичнинг йирик корхона сардори сифатида мамлакатимиз саноати равнақига катта меҳнатлари сингган,— деди Ислом Каримов.— Бугун Ўзбекистон халқига сидқидилдан меҳнат қилаётган шундай инсонга мустақил диёримиз нишонини топшираётганимдан хурсандман.

— Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ унинг мустақиллигига, толеи порлоқ халқига садоқат билан хизматда бўлишни ният қилган эдим,— деди Н. Кучерский Ислом Каримовга миннатдорлик билдирар экан.— Шу эзгу ниятим йўлидаги камтарин меҳнатимнинг бу қадар юксак баҳоланиши мени ғоят руҳлантиради. Мамлакатимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида бор кучимни аямай меҳнат қиламан.

Суратда: «Дўстлик» ордени топшириш пайти.

А. ИЛЕСОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«УЗИККИЛАМЧИРАНГЛИМЕТАЛЛ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодини ривожлантиришдаги, бозор ислоҳотларини тармоқ ишлаб чиқаришига татбиқ этишдаги хизматлари ва ҳорижий сармоядорлар ҳамкорлигида рақобатга бардошли халқ истеъмол моллари миқдорини оширишга қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Мирзаев Ғайбулла — автоюклагич ҳайдовчиси

Синельников Сергей Васильевич — металл эритувчи

ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Корнев Виктор Александрович — тузатиш-механика цехи токари

Кручинин Владимир Семенович — металл эритувчи

Муҳамадҳўжаев Раҳматулла Аҳмедович — акционерлик жамияти бошқаруви раиси

Эргашев Маҳамадали Қамбаралиевич — Тошкент алюминий қотишмалар заводининг директори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 13 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХХРГА ТАШРИФИГА ДОИР

Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1994 йил 24-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис сайловида қатнашишни сўраб тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Куни кеча Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган унинг вакиллари сайловолди дастурини ишлаб чиқдилар ва муҳокама қилдилар. Ногиронлар вакиллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларни ўтказиш даврида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши билан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий Кенгаши ўртасида тузилган битимни муҳокама этиб, уни бир овоздан тасдиқладилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бўлажак навбатдан ташқари II қурултойи эътиборига ҳавола қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг раиси Содиқжон Убайдуллаев мухбиримизга қуйидагиларни билдирди:

— Халқ демократик партияси ва Ногиронлар жамияти ўртасидаги битимга биноан Олий Мажлисга депутатликка номзодларни ҳамкорликда кўрсатишга қарор қилинди, сайловолди компаниясида партия ва жамият бирбирини қўллаб-қувватлайдилар.

Бирлашган ўзар, дейди халқимиз. Жамиятимиз бу катта ва масъулиятли иш учун республикадаги кўзи ожизлар, чернобилчилар, кар-соқоллар жамиятларига мурожаат этиб, улар билан ягона сайловолди блокини ташкил этишга келишилди. Депутатликка номзодларни биргаликда, ҳамжиҳатликда кўрсатишга келишиб олинди.

Ногиронлар жамиятининг юз мингдан ортиқ аъзолари сафида ХДП аъзолари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳам бор. Қарамоғимиздаги корхоналар, «Умид» тиббий маркази, «Коинот» маданият марказлари ишлаб турибди. Ташкилотимизнинг бирдан-бир вазифаси аҳоли орасидаги ногиронларни иш билан таъминлаш ва уларнинг меҳнати туфайли ҳосил бўлган маҳсулотларни истеъмол бозорига чиқариш ҳамдир.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Афғонистон ислом давлатининг расмий органлари сўнгги пайтларда Ўзбекистон Республикаси шаънига Афғонистоннинг ички ишларига «аралашиш», жумладан, Ўзбекистон қуролли кучларининг Афғонистондаги муҳолиф томонлар ўртасидаги ички урушга аралашуви бобида тез-тез айб қўяётганидан жиддий равишда ташвишланмоқда ва бу бўҳтондан ғазабланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси шаънига қилинаётган асоссиз туҳматни қатъиян рад этамиз ва шуни маълум қиламизки, бундай айблашлар Афғонистондаги ва унинг ташқарисидаги маълум кучларнинг жаҳон ҳамжамияти кўз олдида Ўзбекистоннинг обрўсига, унинг тинчликпарварлик саъй-ҳаракатларига путур етказишга, икки қўшни давлат ўртасидаги муносабатларга раҳна солишга ва минтақада кескинликни янада кучайтиришга уринишдан бошқа нарса эмас.

Афғонистонда қуролли қарама-қаршилик ва биродаркушлик уруши давом этаётганидан Ўзбекистон ҳамиша ташвишланиб келди ва Афғонистон муаммосини ҳал этишни енгиллаштиришга имкон берадиган аниқ чора-тадбирларни барча манфаатдор давлатлар билан муҳокама қилишга тайёр эканини бир неча бор таъкидлади.

Биз Афғонистон муаммосини ҳал этишда унинг ички ишларига ҳар қандай давлатнинг аралашувини истисно этадиган тинч ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур, деган фикрда қатъий турибмиз.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеясининг 48-сессиясида Тошкентда БМТ ҳомийлигида минтақа хавфсизлиги муаммолари юзасидан доимий ишлайдиган семинар ўтказиш ташаббускори бўлди.

Ўзбекистон ва Россия ташқи ишлар вазирларининг 1994 йил 8 февралдаги Афғонистонга доир қўшма Баёнотида республиканинг қатъий бетарафлик мавқеи ва бу мамлакатнинг ички ишларига аралашмаслиги ифода этилган.

Шу йил сентябрь ойида, бу жафокаш мамлакатнинг ишларига қуролли аралашмоқда деб ғиғоварлик билан республикамизга навбатдаги айб қўйилаётган кунларда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Тошкентда бўлиб ўтган семинарида Ўзбекистоннинг Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан бартараф этишга минтақадаги барча соғлом кучларни ва жаҳон ҳамжамиятини жалб қилиш зарур деган даъвати янгради.

Шу йил 4 октябрь куни Ўзбекистон БМТ бош ассамблеяси 49-сессиясининг минбаридан Афғонистон ички ишларига аралашишга йўл қўйиб бўлмаслигини ва минтақавий можаролар ҳудудига қурол келтиришни тақиқлаб қўйиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Биз Афғонистоннинг раҳбарлари, у ердаги турли сиёсий кучлар Ўзбекистоннинг бу мамлакатдаги аҳволдан ташвишда экани, унинг минтақадаги можароларни бартараф этишдаги тинчликсеварлик йўлини, мустақил Афғонистон билан яхши қўшничилик муносабатларини ва ўзаро фойдали ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганини тўғри тушунадилар, бундан буён мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқарисида ҳам бундай тинчликсеварлик душманларининг турли-туман қилмишларига йўл қўймайдилар, чинакам ватанпарварлик билан доно йўл тутиб ва биродаркушлик урушининг аччиқ оқибатларини ҳисобга олиб, куч-ғайратларини бутун Афғонистон халқи манфаатлари ва бахт-саодати йўлида миллий тотувликка эришишга қаратадилар, деб умид қиламиз.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 14 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА САВДО ҚИЛИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РУХСАТНОМАСИНИ ОЛГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 15 октябрдан бошлаб ҳуқуқий ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги тўлов ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта — сўмда амалга оширилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валютада савдо-сотиқ қилиш ва хизмат кўрсатиш хусусида илгари корхона ва ташкилотларга берилган рухсатномани бекор қилади.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ПАРТИЯ КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

Ташкил топганига икки йил бўлаётган Қоровулбозор тумани Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

Шубҳасиз, навқирон туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ҳам муҳим ўрин тутаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда туманда 220 нафарга яқин ХДП аъзоси 16 та бошланғич ташкилотга уюшган. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тинч, осуда турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим сиёсий куч эканликларини амалда намоён этишаётир.

Куни-кеча Қоровулбозорда Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши ҳамда ижроия бюроси, тафтиш комиссияси таркиби сайланди.

Туман кенгашининг биринчи ташкилий пленумида Ўзбекистон ХДП Қоровулбозор туман кенгашининг биринчи котиби этиб И. Нурмонов сайланди.

Таъсис конференциясида вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ж. Нуруллаев нутқ сўзлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон, Қувасой шаҳарлари ва Учкўприк туман партия кенгашларининг навбатдан ташқари пленумлари бўлиб ўтди.

Уларда ташкилий масалалар кўрилди. Ушбу партия кенгашларининг биринчи котиблари бўлиб ишлаб келган М. Исоқов, Р. Тўланов, Х. Холматовалар бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан вазифаларидан озод қилиндилар.

Марғилон, Қувасой шаҳарлари ва Учкўприк туман партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб Анвар Отажонов, Мўмин Ғаниев ҳамда Баҳодир Ҳамроқуловлар сайланишди.

Пленумлар ишида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов, Марғилон, Қувасой шаҳарлари ва Учкўприк тумани ҳокимлари қатнашиб, сўзга чиқишди.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши бўлим мудири.

●

Ўзбекистон ХДП Қорақўзак туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди.

Унда ташкилий масала кўрилди. П. Имоматдинов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод қилинди.

Кўчма механизациялаштирилган колонна бошлиғи бўлиб ишлаётган Қ. Дўсназаров Ўзбекистон ХДП Қорақўзак туман кенгаши биринчи котиби қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов партия ташкилотларининг долзарб вазифалари ҳақида сўзлади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи олдидан

ЭР ЙИГИТГА ЭЛ ҚУВВАТ

Шервой ака «Гулшан» маҳалласидан келган оқсоқолларни кузатиб қайтаркан, улар билан бўлган суҳбатни эслаб, жилмайиб қўйди:

— Раҳмат, раис, бутун қишлоқ аҳли сиздан миннатдор, барака топинг,— дейишди улар қўлларини дуога очиб.— Энди ғўзапоя, ўтин ўрнига хонадонларимизда табиий газ ёнянти.

Арғамчига қил қувват, эр йигитга эл қувват, деганларидек, аслида хўжаликни газлаштиришга, хонадонларга «зангори олов» қувурларини тортишга раисни руҳлантирган ҳам мана шу —маҳалла оқсоқоллари бўлди. Улар бир-икки йигинда газлаштиришдан гап очишганди. Раис дўппини бир ёнга олиб ўйлаб қараса, чоллар ҳақ. Айрим маҳаллаларнинг шундоққина ёнида Пахтаобод шаҳрига газ қувурлари ўтган. Отни қамчиламаса, имкониятни бой бериб қўйиши мумкин. Қолаверса, кўпчилик отахонлар «қувури биздан, хизмати сиздан» деб туришибди. Бир куни у дилидагини сиртига чиқариб, хўжалик мутахассисларини маслаҳатга тортди. Имкониятларни чамалаб тарозига солди. Кимдир бу ишни қўллаб-қувватлади. Бошқа биров қарши чиқди. Аммо гишт қолипидан кўчган эди.

Шервой ака ишни биринчи бўлиб «Шомат» маҳалласидан бошлади. Хўжалик меъмори, Андижон вилояти кенгашининг депутати Зокиржон Абдураимовни қанотига олиб, қурилиш ташкилотлари билан шартнома тузди. Лойиҳа тайёрлатди. Маблағ билан таъминлади. Шу тарзда ўтган йилнинг бошида «Шомат» маҳалласидаги хонадонларда «зангори олов» ёнди. Яқинда эса 30 километрга қувур тортилиб, «Терактаги», «Овушка», «Қуйи кўктўнлиқ», «Қуммайдон» маҳаллаларидаги аҳоли ҳам табиий газ билан таъминланди.

— Бу ҳали бошланиши,— дейди Пахтаобод туманидаги Ёқубов номли жамоа хўжалигининг раиси, ХДП аъзоси Шервой Солиев биз билан суҳбатда.— Яқин йиллар ичида жамоамиз ҳудудидаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга табиий газ кириб боради. Қишлоқ меҳнаткашлари ёзда ўтин, қишда кўмирнинг ташвишини қилмайдиган бўлишади.

Республикамиз Президентининг қишлоқ аҳолисини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги Фармони жамоа хўжалигида амалга оширилмоқда. Бу ишда хўжалик меҳнаткашлари билан бир қаторда бошланғич партия ташкилотининг аъзолари ҳам фаол иштирок этишяпти. 80 нафарга яқин ХДП аъзосини ўзига бирлаштирган бу ташкилот ўз йиғилишларида Президентимиз Фармонининг қандай амалга оширилаётганлигини тез-тез кўриб боряпти. Фармоннинг хўжаликдаги ижроси юзасидан зарур чораларни кўрмоқда.

Ўтган йили хўжалик 700 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, пахта тайёрлаш режасини ортиғи билан адо этди. Қўшимча етиштирилган толадан мўмай даромад олинди. Унинг бир қисми— 20 миллион сўм хўжалик меҳнаткашларининг хонадонларини газлаштиришга, ичимлик суви билан таъминлашга сарфланди. Жорий йилда ҳам шу мақсад учун 25 миллион сўм ажратилди. Бу — хўжаликдаги 40 фоиз аҳолини газ билан таъминлаш имконини берди. Ана шу катта ишларга хўжалик раҳбарининг ўзи бошқош. Ишчан ва ташаббускор раис энди хўжаликдаги яна учта маҳаллани газ билан таъминлаш ҳаракатида юрибди. Энг муҳими, аҳолининг ўзи бу ишга хайрихоҳ; кўпчилик бўлиб қурилиш материалларини топмоқда, газ қувурларини ҳозирлаб қўймоқда. Ҳозирча бу қувурларни монтаж қилиб, хонадонларга тортиш ташвиши қоляпти, холос. Ана шу хизматга Андижон вилоятидаги газлаштиришга ихтисослашган ташкилот — 3-механизациялашган кўчма колонна пайвандчилари доимо шай. Чунки раис қурувчилар билан пухта ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўртада имзоланган шартнома икки томондан ўз мажбуриятларини холис адо этишни тақозо этади.

Ўзбекистон ХДП Пахтаобод туман кенгашининг биринчи котиби Ҳаётилла Саидов билан хўжаликда бўлганимизда қишлоқ кишилари турмушини яхшилаш борасида бу ерда амалга оширилган қатор янгиликларни кўриб, дилимиз яйради. Ҳозир эски омбор ўрнида қурилган консерва заводи 15 минг шартли банка маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Янги тармоқни ривожлантириш учун хўжалик уч гектар ерга қанд лавлагиси экди. Унинг ҳосили қўшни Қозоғистон Республикасининг Жамбул шаҳрида маҳсулотга айлантирилиб, у ердан 6,5 тонна шакар, 1,5 тонна оқ қанд олиб келинди. Икки гектар майдонга 2000 туп анжир, ярим гектарга анор, 50 сотихга қулупнай экилиб, консерва маҳсулотларининг турларини кўпайтириш имконияти яратилди. Яқин келажакда томат цехини ишга тушириш мўлжалланяпти. Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Илдам» ахборот-брокерлик фирмаси билан ҳамкорликда қурилаётган кичик ёғ заводида бир кунда 1,5 тонна пахта ёғи ишлаб чиқариш, 8,5 тонна ем тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Янгиликлар эвазига вужудга келаётган қўшимча ишчи ўринларида хўжалик аъзоларининг ўзлари ишлашмоқда. Олинаётган даромад қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга, шу йўл билан аҳоли турмуш тарзини яхшилашга сарфланмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида «Қўшкўпир туман партия ташкилотининг меҳнат жамоалари ва аҳоли яшаш жойларида олиб бораётган оммавий-сиёсий ишлари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Ушбу масаланинг долзарблиги боис ижроия бюро шу мавзуда Қўшкўпир туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги маориф уйида вилоят семинар-кенгашини ўтказди. Семинарнинг мазкур туманда ўтказилиши

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СЕМИНАР

бежиз эмас. Туманда 81 та бошланғич, шу жумладан, 27 ҳудудий партия ташкилоти мавжуд. Улар 3800 нафар ХДП аъзосини бирлаштирган. Туман партия ташкилоти ҳокимлик, жамоа ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.

Тумандаги тарғибот ва ташвиқот маркази партия ташкилотларида республика Олий Мажлисига, маҳаллий кенгашларга бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан знчагина тадбирларни амалга оширмоқда. Кўчалар, корхона, ташкилот, идора ва маҳаллаларнинг жойлашишига қараб тарғиботчилар қўйилган. Уларнинг рўйхати партия ташкилотлари томонидан тасдиқланган. Улар томонидан бўлажак сайловларнинг хусусиятлари, сайлов тўғрисидаги қонунлар, Олий Кенгашнинг XVI сессияси қарорларини ўрганишга бағишланган суҳбатлар, учрашувлар бошлаб юборилган.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

• XII Осиё ўйинлари

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МАМЛАКАТ ДОВРУҒИНИ ОШИРИШМОҚДА

Қарийб икки ҳафтадан бери давом этаётган Осиё ўйинлари ниҳоясига етай деб қолди. Эртага Японияниг Хиросима шаҳрида Осиёда деб юритилаётган йирик спорт анжуманининг ёпилиш маросими бўлади.

Осиё ўйинларида иштирок этаётган истиқлол юртимиз спортчилари ҳам бўш келмасликка, умумжамоа ҳисобида кучлилар сафида бўлишга интилишмоқда. Спортчиларимиз ҳисобидаги жами медаллар 28 тадан ошиб кетди. Шундан бештаси олтин медалдир. Эшкак эшувчи Иван Киреев қўлга киритган учта олтин медаль қаторига боксчиларимиздан Олег Москаев билан Алишер Авезбоевлар эгалланган олтин нишонлар қўшилди. Ҳозир Хитой терма жамоасининг мавқеи баланд. Улар карвонбошилик қилишмоқда. Вакилларимиз эса кучли олтиликдан жой олиб туришибди.

Журналистлару футбол мухлислари мамлакатимиз чипор тўп усталарининг чиқишларини юксак баҳоламоқдалар. Ўзбекистон футболчилари ҳақида «Осиёда янги юлдуз порлади», деган ибора пайдо бўлди.

Футболчиларимиз ўз гуруҳларида учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, чорак финалга чиқишгани ва Туркманистон жамоасини енгиб, ярим финалга йўлланма олишгани ҳақида хабар қилган эдик. Корея Республикаси футболчилари билан ўтказилган ярим финал учрашуви эса ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатилди. Сирасини айтганда, бу ўйинда футболчиларимизга омад кулиб боқди. Деярли 90 минут мобайнида кетма-кет ҳужум уюштирган Корея футболчилари «сеҳрли» дарвозамизни забт этолмадилар. Гўё Юрий Шейкин қўриқлаган дарвоза зирҳланганди. Мустаҳкам мудофаада туриб, ҳар замонда қарши ҳужумга ўтиш билан ўйинни ўтказиш тактикасини қўллаган футболчиларимиз ниятларига етишди. Учрашувнинг 65-минутида Азамат Абдураимовнинг уч ўйинчини алдаб ўтиб, чамаси 30 метрдан чап оёғи билан урган зарби нишонга бехато тегди. Зеро, шундан кейинги уринишларда юрак ҳовучлаб ўтиришга тўғри келди. Ҳайтовур, ҳаракат улардан бўлди-ю, гол биздан. Дарвозабонимиз Юрий Шейкин эса қарийб 20—30 марта урилган тўпни ушлаш ё қайтариш билан учрашув қаҳрамонига айланди. Шундай қилиб, вакилларимиз эртага ҳал қилувчи учрашувни Хитой терма жамоаси билан ўтказадиган бўлдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

THE 12th ASIAN GAMES HIROSHIMA 1994

Айни кунларда Наманганлик пахтакорлар марра сари дадил одимламоқдалар. Кўплаб бригадалар, хўжаликлар йиллик режаларни бажариб қўйишди.

Уйчи туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари эса бу йил 924 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 33 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил олиб, ялпи хирмонни 3700 тоннага етказиш ниятида астойдил ҳаракат қилишаётир. Шу боис йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Айни кунларда хўжалик далаларида 860 нафар жамоа аъзоси ва 600 нафардан зиёдроқ ҳашарчи ғайрат кўрсатмоқда. Ана шундай чаққон теримчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли хўжалик бўйича кунига йиллик режанинг 2,5—3 фоизи миқдорида хом-ашё тайёрланаётир.

Хўжаликда ўн бешта пахтачилик бригадаси бўлиб, улар ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Мусобақа эса ҳар ўн кунда якунланяпти. Пахта териш ва давлатга топшириш да Раҳимберди Шерхонов, Сайдулла Хайруллаев, Олимжон Турсуновлар етакчилик қилишаётир.

Суратда: жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳосил мўллигидан мамнун.

П. АКБАРОВ олган сурат.

„Оқ олтин" хирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 14 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	1.04	91.83	0.01	3.68
Хоразм	1.73	90.70	0.21	6.83
Қашқадарё	1.90	89.72	1.07	61.21
Навоий	1.16	84.79	0.67	24.47
Андижон	1.77	82.97	0.58	19.40
Фарғона	1.50	80.77	0.18	14.28
Самарқанд	1.41	80.40	0.29	24.84
Наманган	2.20	76.95	1.01	32.58
Сурхондарё	1.38	76.05	0.45	29.61
Тошкент	2.12	67.96	1.39	47.09
Қорақалпоғистон Республикаси	1.81	59.96	0.77	18.26
Жиззах	1.67	59.46	1.25	44.78
Сирдарё	2.10	54.00	1.91	41.60
Республика бўйича	1.69	76.58	0.85	31.63

• Долзарб мавзу

БОЛА СОҒЛОМ—ОНА БАХТИЁР

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш республикамиз ижтимоий сиёсатида ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги ташкилотларининг фаолиятида устивор йўналишлардан бирини эгаллаб турибди. Чунки авлодлари соғлом мамлакатнинг эртаси ҳамиша ёруғ бўлади.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу йўналишда муҳим ишларни амалга оширмоқда. Кейинги икки йил ичида Ўзбекистоннинг барча минтақаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, улар ўртасида касалланиш ҳамда ўлим ҳолларини камайтиришга бағишланган махсус семинар-кенгашлар ўтказилди.

Унинг натижаларига қараб ҳар бир минтақанинг шарт-шароитига, тиббий муассасаларнинг моддий-техника асослари, уларнинг мутахассис кадрлар билан таъминланиш даражаси ва бошқа хусусиятларига мос тушадиган тегишли қарорлар ҳамда тадбирлар қабул қилинди. Минтақалар ўзларининг оналар ва болалар соғлиғини яхшилаш ҳамда уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини такомиллаштириш дастурларига эга бўлдилар. Ҳозир бу дастурлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Болаларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат турларини ташкил қилиш ва уларга бўлган талабни тўлиқ қондириш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг олдида муҳим вазифа бўлиб турибди. Биз бу борада барча имкониятлардан фойдаланмоқдамиз. Ҳозир республика пульмонология, неонатология, ревматология, гепатология ва бошқа соҳа марказлари ишлаб турибди. Айрим вилоятларда ҳам шундай марказлар бор. Режаларимизда барча вилоят ва йирик шаҳарларимизда ана шундай марказларни ташкил қилиш ҳамда уларнинг ишларини яхши йўлга қўйиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Соғлом болаларнинг дунёга келиши учун она соғлиғи асосий шартлардан бири. Вазирлик томонидан туғиш ёшидаги барча аёлларни соғломлаштиришнинг махсус дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Шунга кўра кейинги йилларда республикамизда оналар ва бир ёшгача бўлган гўдаклар ичида ўлим кўрсаткичлари аста-секин камайиб бормоқда.

Чақалоқларни она сутидан тўлиқ баҳраманд қилиш мақсадида уларни туғилган соатдаёқ ўз онаси бағрида бирга бўлишини таъминлаш чоралари амалга оширилмоқда. Бунинг учун барча туғуруқхоналардаги ўринлар санитария-гигиена меъёрлари ҳолатига келтирилмоқда. Уларда она билан чақалоқнинг бирга бўлишига шароит яратиляпти. Бу эса оналарда кўкрак сутининг етарли даражада ажралиши ва сақланиши, болаларни эса ҳар хил касалликларга чидамлилик имкониятларини оширишга замин яратади.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири — болаларни юқумли касалликлардан сақлаш, гўдаклар ўлимини камайтиришга қаратилган ҳар бир минтақа хусусиятлари эътиборда. Болаларни эмлаш дастури ишлаб чиқиляпти. Катта ёшдагиларда учрайдиган овқат ҳазм қилиш аъзолари хасталигининг 70—80 фоизи болалик давридан бошланади. Ҳозирги кунда тиббий кўриклардан ўтказилаётган болаларнинг ўн фоизида овқат ҳазм қилиш аъзоларидаги дарднинг у ёки бу тури учраб турибди. Республика шифохоналарида бу касалликларни замонавий лаборатория ва тиббий асбоблар билан аниқлаш услублари қўлланилмоқда.

Тиббиёт амалиётида ўткир жарроҳлик касалликлари, ҳар хил аъзо ва тизимлардаги туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва даволашга устивор йўналиш берилмоқда. Лекин болалар ўртасида учрайдиган жарроҳлик касалликларини туғилган кунданоқ аниқлашга имкон берадиган махсус ихтисослаштирилган бўлимлар, шифохоналар ташкил қилиш давр талаби. Шу билан бирга болалар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг кўпгина муаммолари мавжуд.

Республикада, айниқса, унинг қишлоқ туманларида туғилиш жараёнининг жаддаллиги, ҳар бир фарзанд туғилиши оралиғидаги муддатнинг қисқалиги, аёлларимизнинг 35—40 ёшдан кейин ҳам туғишни давом эттираётганликлари улардан нимжон ва заиф болаларнинг дунёга келишига ҳамда шу билан бирга оналар саломатлигига путур етишига сабаб бўлмоқда. Яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар ҳамон учраб турибди. Ота-боболаримиздан қолган гўдакларни узоқ муддат она сутига тўйғазиш анъаналари ўзбек оилаларида ҳам унутилаёзди. Ота-оналаримиз ўз фарзандларининг соғлом ўсишини таъминлашга кўп жойларда эътиборни сусайтириб юборган. Қолаверса, биз жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иш тажрибаларини ўрганмоқдамиз.

Кейинги йилларда чет эллик ҳамкасбларимиз билан педиатрия фани ва амалиётининг долзарб масалалари бўйича бир неча симпозиум ва анжуманлар ўтказдик. Чет эллардаги илғор тажрибаларни ўргана бориб биз ўз режаларимизни ҳам такомиллаштириб бормоқдамиз. Шуни айтиш керакки, хорижий мамлакатлардан келган ҳамкасбларимиз оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлидаги бизнинг тутаётган сиёсатимизга ва иш тажрибамизга катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Ўтган йили Туркияда бўлиб ўтган педиатрларнинг халқаро I конгрессида ўзбек педиатрлари республика жамияти халқаро педиатрлар ассоциациясига қабул қилинди. Ўзбекистонда педиатрия хизматининг яхши йўлга қўйилганлиги, республика раҳбариятининг соғлом авлодни вояга етказишга катта ғамхўрлик кўрсатаётганлиги, ижтимоий ҳаётимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталикни эътиборга олиб, халқаро педиатрлар жамияти ўзининг II минтақавий конгрессини Тошкентда ўтказишга қарор қилган эди. 14 октябрь куни мамлакатимиз пойтахтида ушбу бош конгресс ўз ишини бошлади. Бу конгресс республикамизда педиатрия хизматининг янада яхшиланиши, одимлар ва мутахассислар ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилиши ва улар олиб бораётган илмий-амалий ишларнинг янги ғоялар билан бойишига катта ҳисса қўшишига ишончимиз комил.

Шавкат КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири.

• «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Тўрт киши йиғилган даврада албатта телефон ҳақида гап кетади. Ҳаммасининг ҳасратидан чанг чиқади. Нега шундай? Чунки бу қурғур яхши ишламайди. Айниқса, кейинги икки йил ичида телефончилар мижозни оёқ учида кўрсатадиган бўлишди. Арз-додингизга жавоб битта: эҳтиёт қисм йўқ! Уни ким топиши керак? Мижозми? АТС бошлиғими?» Газетанинг шу йил 21 июль сонида чоп этилган «Телефон қилиб тушолмадим...» сарлавҳали танқидий мақола шу тарздаги саволлар билан бошланганди. Мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. БИКМЕТОВ ва Собир Раҳимов телефон алоқа тармоқлари бошлиғи М. РУСТАМОВАдан жавоб хатлари олинди. Қуйида шу жавоб хатлари билан танишасиз.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» КОНЦЕРНИ:

Рўзномангизда 1994 йил 21 июлда босилган «Телефон қилиб тушолмадим»... сарлавҳали мақолани «Ўзбектелеком» концерни Тошкент шаҳар таксафон алоқа боғламаси билан биргаликда ўрганиб чиқди. Келтирилган фактлар тасдиқланди. Ҳозирги кунда Муқимий кўчасида учта, «Тошкент» меҳмонхонаси ёнида жойлашган таксафонлардан саккизтаси иш ҳолатига келтирилди. Тиббиёт институтида 9 та таксафон телефон кабели ишдан чиққанлиги сабабли ишламаяпти. Ушбу таксафонларни бир ой ичида иш ҳолатига келтириш тегишли ходимларга юклатилди.

СОБИР РАҲИМОВ ТЕЛЕФОН АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИ:

«Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп этилган «Телефон қилиб тушолмадим»... сарлавҳали мақола Собир Раҳимов телефон алоқа тармоқлари жамоаси ўртасида муҳокама қилинди.

Мақолада қайд қилинган камчиликлар асосан тасдиқланди. Телефон алоқа сифатини яхшилаш борасида тузилган Тошкент шаҳар телефонлаштириш ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси режасига қўшимча киритилди.

Режага асосан шу йилги мўлжал бўйича 32, 33, 44-АТСларда усқуналарни буткул алмаштириш ва тармоқларда маълум йўналишларни янгилаш ишлари амалга оширилади. Шаҳар кўчаларида яроқсиз ҳолга келган таксафон будкалари олиб ташланди. Марказий кўчаларда янги кўримга эга телефон-автомат ўрнатила бошланди. Шу йўналишда келгуси йил охиригача телефон-автоматларни жорий таъмирлаш ва қўшимча ўрнатиш масалалари ҳам ҳал қилинади. Форобий кўчасида ўрнатилган алоқа симёғочлари, алоқа ҳаво симларини таъмирлаш ишлари тугалланди. Ҳувайдо кўчаси бўйлаб ўтган алоқа симларини таъмирлаш 1995 йил режасига киритилди. Ибн Сино мавзесида тикланаётган 18-АТСни қуриб битказиш ва ишга тушириш «Тоштелефонқурилиш» корхонаси зиммасига юклатилган бўлиб, уни ишга тушириш 1995 йил июнь ойларига мўлжалланган. Мазкур АТС Ибн Сино-1, Ибн Сино-2, Жарариқ, Белтепа мавзеси аҳолиси хонадонларини телефонлаштириш масаласини ҳал қилиб беради.

Шу билан бирга 47 ва 45-АТСларда станция жиҳозларини таъмирлаш ишлари ҳозирги этапда ва йил охиригача тугалланади. Мақолада қайд қилинган 463055 рақамли телефон текширув пайтида ишлаб турганлиги аниқланди. Ал Хоразмий 2-тор кўчада яшовчи Йўлдош Миноваровнинг телефон ўрнатиш бўйича аризалари рўйхатда қайд қилинмаган. Унга телефон ўрнатиш бўйича Собир Раҳимов телефон алоқа тармоқлари абонент бўлимига учрашишлари тавсия қилинади.

463338 рақамли телефонни текшириш ёки носозлигини бартараф этиш учун мақола чоп этулгунга қадар буюртма берилмаган.

Ҳозирги пайтда Тиббиёт институти ва Собир Раҳимов телефон алоқа тармоқлари ўртасида хизмат алоқа чегарасини белгилаш ва носозликларни бартараф этиш йўриқлари бўйича битим тузилаяпти. Тиббиёт институтига хизмат қилаётган магистраль кабел алоқа тармоқлари таъмирланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

АЁЛНИ АСРАГАН — ОЛАМНИ АСРАЙДИ!

Ёхуд Фарғона вилоятидаги ХДП бошланғич ташкилотларида бошланган ажойиб ташаббус ва амалга оширилаётган эзгу ишлар тўғрисида

Ярим тунда чирқираб йиглаган гўдак товуши ҳатто қўшниларга ҳам эшитилди. Осуда кеча тинчи бузилди. Аммо кўнгил тинч, зеро, қуш уйқусида бўлган онаизор дарров гўдакни юпатиши, полопон оғзидай очиқ оғизга кўкрак солиши, "миқ-миқ" эмаётган мурғак бошини силаб, аста алла айтиши тайин. Минг йиллардан буен давом этиб келаётган, нақадар таниш, оддий ва айни пайтда қанчалик пурҳикмат манзара бу! Бешик тепасида тунларни бедор ўтказган она саваричдай ниҳол устида парвона бўлаётган боғбондан ҳам, минг машаққат ила муҳташам иморат барпо этган бинокордан ҳам, снеҳ ўрнига кўз нури тўкиб ўзининг шоҳ асарини битаётган алибданда улуғроқдир! Ахир бу зот ана шу меҳнат меваларининг яратгувчиси бўлмиш бани инсонни парваришлаб, вояга етказади. Аёл — дунеанинг асоси. Оналикнинг тенги қанчалик беўлчов бўлса, машаққати ҳам шунча.

Президентимиз Фармонига асосан мамлакатда соғлом авлод учун ҳаракат бошланди. Бу айни пайтда бошланган, ўта зарур тадбир. Чунки юртимизнинг келажаги ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол инсонлардан ташкил топмас экан, унинг буюклиги ҳақида сўз ҳам юритиб бўлмайди. Кечаги кунни эсланг... Минг-минглаб касалванд гўдаклар, камқон, заиф аёллар... Хайриятки, она-Ватан узра истиқлол қуёши балқиди. Мустақиллик фарзанди бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиесатида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас. Бу борада Фарғона вилояти бошланғич партия ташкилотларида, айниқса, ибратли ишлар қилинянпти.

— Носоғлом аёлдан баркамол фарзанд дунёга келадими? — дея партиядошларига мурожаат қилди Тошлоқдаги Боймат Шерматов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Отаназар Мамажонов. — Аввало, аёлларга ғамхўрликни кучайтирайлик. Қаранг, ҳомиласи етти ойлик аёл ҳам саратон қуёши остида кетмон чопянпти. Келинглар, биз декрет таътили муддатини аёл ҳомиладорлигининг бешинчи ойидан бошлаб ҳисоблайлик. Ҳақ тўланмайдиган қўшимча икки ой учун жамоа хўжалиги жамғармасидан маблағ ажратайлик. Президентимизнинг соғлом авлод учун ҳаракатини биз ҳам шу тариқа амалий иш билан қўллаб-қувватлайлик!

Бошланғич партия ташкилотининг ташаббусини жамоа хўжалиги бошқаруви маъқуллади. Жамоа хўжалигида ишловчи деҳқон аёллар учун декрет таътили муддати икки ойга чўзилди. Қўшимча икки ой учун тегишли маблағни хўжалик хазинасидан ажрата бошлашди. Ҳозиргача хўжаликда 28 нафар аёл бу ғамхўрликдан баҳраманд бўляпти. Умуман, бу ерда аёлларнинг оғирини енгил қилиш, келгуси авлод тарбияси, парваришпи учун бир хўжаликнинг қўлидан нимаики келса ҳаммаси қилиняпти. Қишлоқдаги 4 та болалар боғчасида 400га яқин жаззжилар тарбияланмоқда. Хўжалик шу баҳорда 140 ўринли янги боғча биносини қуриб фойдаланишга топширишга маблағ топди. Бу эса ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик корхонаси учун осон иш эмас... Болалар учун бу ерда ҳеч нарса аялмайди. Хўжалик фермасида соғилган сутнинг сараси, янги сўйилган гўшт дастлабки навбатда боғчага юборилади. Пахта йиғим-терими қизиган шу кунларда эса ҳар куни 40-50 литр янги сут ва шакар далаларга — эмизикли аёллар ва гўдакларга тарқатиляпти.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ушбу хўжалик бошланғич партия ташкилотининг соғлом авлод учун олиб бораётган иш тажрибасини вилоятдаги бошқа хўжалик ва корхоналарда ҳам қўллашни тавсия этди. Бошланғич ташкилот ташаббуси ҳақида вилоят рўзномалари, телевидениеси ва радиоси орқали чиқишлар қилинди. Айни кунларда Олтиариқ туманидаги "Қизилтепа", Қува туманидаги М. Шербўтаев номли, Фарғона туманидаги "Янги ҳаёт" жамоа хўжаликлари, Бағдод, Риштон, Ўзбекистон туманларидаги ўнлаб хўжалик ва корхоналар ҳомиладор аеллар учун юқоридаги ғамхўрликни амалга оширишяпти.

Фарғона туманидаги "Фарғона" жамоа деҳқонлар ва ширкатлар уюшмаси раиси Комилжон Бойбуваевнинг иш столида ғаройиб бир рўйхатни кўриб қолдим. Маълум бўлишича, туман поликлиникасининг гинекология бўлими ҳар ой охирида шу хўжаликда ишлайдиган ва ҳомиладор бўлиб бўлимга мурожаат қилган аеллар рўйхатини... раисга тақдим этар экан! Хўш, раисга бу нима учун керак? Хўжалик бошқаруви шу рўйхат бўйича ўша аёлларнинг оилавий, моддий, турар-жой шароитини, батафсил текшириб чиқар ва ердам зарур аеллар учун жамоа жамғармасидан бепул гўшт, ёг, ун, гуруч олиб берар экан!..

— Биз ҳам хўжалик аеллари учун ҳомиладорликнинг бешинчи ойиданоқ таътил пули тўлашни йўлга қўйганмиз, — дейди раис. — Бунинг учун ҳисоблаб кўрсак, йилига 12 минг сўм атрофида маблағ кетар экан. Бошқарув ҳайъати ҳеч қандай оғринмай бу маблағни ажратишга рози бўлди. Ахир, бир соғлом гўдакнинг бир марта яйраб кулиши биз учун янги қимматли мукофот эмасми? 35 нафар оилавий аҳволи хиёл ночор ҳомиладор аеллар уйига эса улар ҳомиладорлигининг учинчи ойиданоқ хўжалик ҳисобидан гўшт, ёг, гуруч етказиб беряпмиз. Токи, она саломат бўлсин, унинг кўксида униб-улғаяётган гўдак соғлом бўлсин!..

Ўзи ҳам беш фарзандни тарбиялаб вояга етказган, умр бўйи эл-юрт ғамида куйиб яшаётган бу инсоннинг, у рўйхатида турган ХДП бошланғич ташкилотининг ана шу эзгу, савоб ишлари билан танишиб, рости, кўзларимга ёш келди...

— "Фарғона" жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотида 74 нафар аъзо бор. Бу ташкилот туманимиздаги энг фаол, ташаббускор ҳамда Президент Фармонларини омма ўртасида ташвиқ-тарғиб қилиш, уларни ҳаётга изчил татбиқ этишда бошқаларга ўрнак бўлаётган партия аъзоларидан ташкил топган, — дейди Ўзбекистон ХДП Фарғона туман кенгашининг биринчи котиби Турдиали Йўлдошев. — Жамоа хўжалигида бешта боғча бор. Хўжалик учта йирик мактабни оталиққа олган. Боғчалар намунали. Мактаблар эса вақтида таъмирланиб, керакли асбоб-анжомлар, озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланяпти. Бу ишларнинг ҳаммаси бошланғич партия ташкилоти назорати ва масъуллигида амалга оширилаётганлиги қувончли.

Бутун республикага машҳур "Чимён" парранда гўшти етиштириш агрофирмасида ҳам оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалашга катта эътибор бериляпти. Агрофирма ХДП бошланғич ташкилоти котиби Нўъмонжон Норматов корхона ишчи аёлларининг ёш болалари учун улар хонадонларига бепул сут етказиб берилаётганлигини айтди. Бу йирик замонавий корхона партия аъзоларининг ташаббуси билан Фарғона туманидаги Чўлпон номли мактаб оталиққа олинган. Мактаб ремонти, унга турли ашёлар келтириш корхона ҳисобидан ўз вақтида бажо қилинаётганлигини ҳамма билади. Яқиндан буен эса корхона шу мактаб ўқувчиларининг тушлик овқатини бепул қилиб беришни ўз зиммасига олди. Ана шу мақсад учун корхона даромадидан салкам 30 минг сўм ажратилган. Бошланғич партия ташкилоти ва корхона маъмурияти бу билан кифояланиб қолмай, Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги болалар уйларини ҳам оталиққа олиб, етимларнинг камини бут қиляпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши фаолиятидаги энг асосий йўналишлардан бири ҳам "Соғлом авлод учун" ҳаракатини ривожлантириш, унинг кўламини кенгайтириш мақсадида фаол тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришдан иборат бўлиб келяпти. 1993-1994 йиллар давомида кенгаш бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вилоятда "Ёшлар — мустақил Ўзбекистон келажагининг ворислари" оммавий ҳаракатини ўтказишга бош-қош бўлаётир. "Қаҳрамон оналарни шарафлаймиз", "Болалар келажагимиз" каби мавзуларда ўнлаб қўрик ва маросимлар ўтказилди. Шу йилги ёзги таътил мавсумида партия кенгаши вилоят касаба уюшмалари кенгаши билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалардан минг нафар ўқувчини болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар билан таъминлади. Вилоятдаги барча туман ва шаҳар партия кенгашлари, ўнлаб бошланғич партия ташкилотлари ўрта мактабларнинг аълочи ўқувчилари учун махсус стипендиялар таъсис этишганлиги таҳсинга лойиқ.

Туғуруқхонада ҳеч қачон чироқ ўчмайди. Меҳрибон доялар ишсиз қолишгани йўқ. Яқинда олтиариқлик болалар педиатри М. Мирзамуҳамедов бир қизиқ далил айтиб қолди. Август ойида Олтиариқ туманида 508 нафар бола дунёга келди. Бу — туман тарихидаги рекорд экан!

— Энг муҳими, улар соғлом ва дуркун, — дейди Мирзаакбар ака фахр билан. — Ана шу гўдаклар бизнинг эртамиз. Буюк Ўзбекистон устуни улар. Шундай экан, ана шу келажак эгаларининг маънавий ва жисмоний баркамол бўлиб етишиши учун жон куйдираётган ҳар бир па тия аъзоси, ҳар бир оддий ўзбек ҳурматга сазовор эмасми!

АЛИШЕР ИБОДИНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



Қалб қўри, пешона тери эвазига етиштирган ҳосилни кўксига босганча узоқ-узоқларга қараб турган ушбу бободеҳқон неларни ўйлаяпти экан? Балким...

— Фарзандлар келажагинимми?

— Тўкинчиликнимми еки...

— Ватан равнақинимми? Бўлмаса...

— Иқтисодимизни юксалтиришнимми?..

Ҳа, шундоққина ҳаммаҳаммасини ўйлаяпти. Бу ҳолатни унинг бир нуқтага жамланган, ўзбекона нур ёғилиб турган юз-кўзидан ҳам сезсак бўлади.

Чунки меҳнат инсонга бахт ато этади. Бошини баланд, кўксини тоғ, юз-кўзидан нур, ҳаёлларини учқур қилади-да. Меҳнат қилиш одамнинг табиатида, қонида бор нарса. Шу боисдан меҳнат одам ҳаётининг моҳиятини ташкил қилади. Қачонки, кишиларга меҳнат қилиш иқтидорларига, қобилиятию майлларига яраша яратилган жамиятдагина унинг мана шундай завқи, шуқуҳи ўзгача бўлади-да!

Ушбу суратдаги ўзи етиштирган ҳосилни гуё фарзандини бағрига босгандек магрур турган бободеҳқон Қибрай тумани "Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш марказий тажриба хўжалиги"нинг ижара-пудратчиси Холмурод Бўронов бўлади. Бу йил Холмурод ака 13,5 гектар ерда деҳқончилик қилган эди. Ҳозиргача 5,5 гектар бедасидан 100 тонна қуруқ пиёзи олишга эришди.

Ижарачи ҳали ўрим-йиғим ишларини давом эттирмоқда. Тасарруфидаги яна 8 гектарлик маккажўхорининг ҳам юқори ҳосил олишини мўлжаллаган. Дастлабки натижаларини шоҳид лик беришича, маккаининг ҳар гектаридан 500 центнердан силос, 80 центнердан қаҳрабо донни давлатга топшириб олмоқчи.

Суратда: илғор пудратчи Холмурод ака Бўронов.

М. ҚИЕМОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Маданият янгиликлари

БОБОМИЗНИ ЭСЛАШДИ

Тошкент Давлат аграр университетида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишлаб "Мирзо Улуғбек ва маданий мерос" мавзуида китобхонлар билан учрашув ўтказилди. Мирзо Улуғбек ҳаёти ва ижодига оид асарлардан китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Абдулла ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ОЧИҚЧАСИГА МУЛОҚОТ

Куни кеча Тошкент шаҳар Ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг бошланғич таълим хонаси ташаббускорлигида Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси таълими бўлимининг мудири, доцент Суннатулла Ризаев билан шаҳар бошланғич таълим ўқитувчиларининг "Очиқчасига гаплашамиз" номли учрашуви бўлиб ўтди. Унда шаҳримиздаги ўттиздан зиёд мактаб ўқитувчилари иштирок этдилар.

Б. ЯРАШЕВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар воқеалар хабарлар

.Маиший хизмат

МАШИНА — БИЗДАН, НОН — СИЗДАН

ФАРҒОНА (мухбиримиздан). "Янги ҳаёт" жамоа хўжалиги раиси Рўзимат Раҳимов Фарғона тумани нон комбинати директори А. Каримовга қўнғироқ қилди:

— Аёл теримчиларимиз вақтни қизғаниб, уйларида нон ёпишга ҳам улгуришмаяпти.

— Биз ҳам шу ташвишдамиз, раис. Аммо транспорт масаласи...

— Бўпти, машина биздан, кунига 600 та гижда нон сиздан.

Шу келишувдан сўнг жамоа хўжалиги далаларига нон етказиб бериладиган бўлди. Тумандаги бошқа хўжаликлар далаларида ҳам иссиқ нон савдоси ташкил этилди. Ўнлаб машиналар бўрсилдоқ нон билан дала айланадиган бўлди. Қишлоқлардаги нон комбинатига қарашли 45 та новвойхона ҳам кунига 78 тонна нонни хонадонларга етказиб бераяпти. Тумандаги 35 та хусусий новвойхона ўз маҳсулотини далага олиб чиқаяпти. Пахтакорлар бундай хизматдан мамнун.

Қадрият

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоят ҳокимлигида давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш бўйича вилоят комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Йиғилишда вилоят электр-алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси корхоналарида тил ҳақидаги қонуннинг бажарилиши қандай бораётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят электр-алоқа ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги У. Воҳидов ахборот берди.

Мажлисда қонун талаблари юзасидан муайян ишлар қилинаётганлиги, лекин амалга оширилаётган ишлар ҳали етарли эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Илҳом КАРОМОВ.

.Қишлоқ саноати

КАТАГАН ГИЛАМЛАРИ

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Конимех туманидаги "Шўркўл" жамоа хўжалигида аксарият аёллар бериш. Бунинг олдини олиш мақсадида Катаган кишлоғида гилам тўқиш цехи ишга туширилди.

Ҳозир бу ерда 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Келгусида улар 50 нафарга етказилади. Ҳозирча сунъий ип толалари камлиги туфайли гилам тўқиш ва харид қилишда кийинчиликлар бор. Якин орада корхона қуввати кескин оширилади. Асосий хом ашё — нейтрон сунъий толасини Навоий "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси етказиб берадиган бўлди.

Музаффар ШАРОПОВ.

.Кичик корхоналар

ГУЛИСТОНДА ОЛТОЙ ТРАКТОРЛАРИ

ГУЛИСТОН (мухбиримиздан). Бу ерда "Т-4А" тракторларини йиғиш йўлга қўйилди.

Мирзаобод туманидаги механика заводи базасида "Ўзолтойтрактор" қўшма корхонаси ишга туширилади. Бу ерга Олтой трактор заводидан қисмлар келтирилиб, тракторлар ишлаб чиқариш бошлаб юборилади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, 5 мингтагача трактор йиғиш имконияти яратилади. Олтой ўлкасидаги шерикларга эса 3-ва 4-нав пахта ҳом ашёси жўнатилади.

Абдужалил УМАРОВ.

Обуна-95

ЎЗ ВАҚТИДА ОЛСАК

Бозор иқтисодиёти муносабати билан бўлаётган тақчиллик ва қийинчиликларга қарамай, менимча, ҳар бир инсон кундалик янгиликлардан хабардор бўлиб туриши, энг муҳими, ўз маънавиятини ўстириб бормоғи зарур.

Оила аъзоларимиз билан ҳар йили кўплаб газета-журналларга обуна бўламиз. Бироқ айрим газеталарни ўз вақтида ололмаймиз. Масалан, "Ўзбекистон овози"нинг гоҳ сешанба, гоҳ шанба сони берилмайди. Шунингдек, "Оила ва жамият" газетасига иккинчи ярим йиликка обуна бўлиб, июль, август ойларининг бирор сонини олганим йўқ. Туман почта хизмати бўлими мутасаддиларига учрашсам, Тошкентдан юбормаса биз нима қилайлик, дейишади. Бунинг учун ким айбдор: обуначими еки шунга алоқадор раҳбарларми?

1995 йил учун газета-журналларга оммавий обуна бошланди. Биз ҳам 4-5 та газета-журналга обуна бўламиз-ку, фақат янги йилдан бошлаб газета-журналларнинг ўз вақтида хонадонларга етказиб берилишини орзу қиламиз, холос.

Тиллабек МИРЗААҲМАД ўғли,
Оққўрғон тумани, Олимкент қишлоғи, меҳнат фахрийси.

Қоракўл туманида саноатни қишлоққа кўчириш, аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор берилаётир. Бу борада "Ҳунарманд" деб номланган ҳиссадорлик жамиятининг иши таҳсинга лойиқ. Жамиятга қарашли цехда тўқилаётган сержило гиламлар кўзни яшнатади. Ана шу нафис гиламларнинг кўпи сиз суратда кўриб турган (чапдан ўнгга) Фазилат Жўраева, Гулнора Ҳусанова ва Феруза Жалиловаларнинг қўлидан чиқмоқда. Бу чеварларнинг ҳар бири ойига биттадан гилам тўқишга муваффақ бўлаяпти.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг

1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна бўлишга шошилинг!

Мулоҳаза

БУХОРО НЕЧА ЁШДА?

Россиялик олимларнинг аниқлашларига кўра, Ироқ Республикасидаги, Месопотамиядаги, Дажла ва Фрот дарёлари оралиғидаги шаҳарлар дастлаб бундан 6000 — 5000 йиллар аввал барпо этилган. Халқаро экспедиция ҳозирги Покистон Ислом Республикасидаги, Ҳинд дарёси ҳавзасидаги Махенжедаро шаҳри харобаларини ўрганиб, унинг 5000 — 4500 ёшда эканлигини аниқлаган! Туркманистон Республикасидаги Олдиндепе шаҳри харобалари ўрганилганда унинг ҳам 5000 — 4500 ёшда эканлиги маълум бўлди.

Бундан минг йил аввал ёзилган Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" ва Абулҳасан Нишопурийнинг "Хазоинул улум", яъни илмларнинг хазиналари асарларида келтирилган маълумотларга кўра, Бухоро шаҳри ҳам тўрт минг ёшда. Уларнинг ёзишига қараганда, Пойкент шаҳри Бухородан кекса — 5000 — 4500 ёшда экани кўринади. Мустақил Ўзбекистон Республикамиз ҳам, шунингдек, Марказий Осиёдаги ҳамма мустақил республикалар ҳам қадимги Эфиопия, Месопотамия, Миср, Ҳиндистон ва Хитой каби башариятнинг энг қадимги ривожланган марказларидан, энг қадимги бешикларидан ва маданий ўчоқларидан биридир. Демак, Ўзбекистонимизда ҳам шаҳарлар дастлаб бундан 6000 — 5000 йиллар аввал пайдо бўлган. Вазифа буни исботлашдан иборат.

Бухоро шаҳрининг ёшини аниқлаш мақсадида биз 1967 йилда Бухоро Арки ҳудудида археологик қазиш ишларини бошлаган эдик. Бу илмий ва методологик жиҳатдан тўғри бўлган эди. Афсуски Бухорога кейин борган археологлар нотўғри йўл тутиб, Бухоро Аркининг ўзида эмас, балки Бухоро шаҳри ҳудудида, ҳатто Тоқи атторон, Тоқи заргарон, Тоқи телпакфурушон каби Бухоро Арки барпо этилганидан кўп асрлар кейин пайдо бўлган ёдгорликлар атрофида археологик қазиш ишлари олиб бордилар. Натижада Бухоро 2500 ёшда (И. Аҳроров), 2300-2400 ёшда (А. Муҳаммаджонов) деган хулосаларга келдилар. Менимча, Бухоро Арки ҳудудида археологик қазиш ишлари олиб бориб, ёзма манбаларда айтилган дастлабки сарой биносини очиш, ундаги деворий суратларни ўрганиш, ҳамма маданий қатламларни қазиб очиб, маълумотларнинг қанчалар тўғри эканлигини исботлаш лозим.

Бухоро вилояти ҳокимлиги Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини 1997 йил сентябрь ойида юбилей сифатида нишонлаш ҳақида яқинда қарор қабул қилди. Шундай экан, археологик қазиш ишларини юбилейгача тугаллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бухоро Арки ҳудудида 20 — 25 метр ҳажмда стратиграфик шурф қазиш, ҳамма маданий қатламларни очиб ўрганиш керак. Чунки энг остки маданий қатлам Бухорининг ҳақиқий ёшини кўрсатади. Ёзма манбаларнинг маълумотларини писанд қилмаслик мумкин эмас. Айрим олимлар шаҳарлар дастлаб гўё қулдорлик жамиятй даврида пайдо бўлганлиги ҳақида ҳам даъво қиладилар. Бу — тамоман нотўғри фикр.

Бухоро вилоятида олиб борилган тадқиқотлар унинг ёши ҳақидаги мақолаларда билдирилган фикр ва мулоҳазаларни Бухоро вилояти ва шаҳри раҳбарларига маълум қилдик. Профессор Фитратнинг "Тарихи тадқиқоти Арки Бухоро" номли асаридан Бухоро Аркини текшириб ўрганишнинг ўзини ҳам тарихи борлиги кўринади... Академик Яҳё Ғуломов 1975 йилда "Совет Ўзбекистони"да босилган "Самарқанднинг тенгдоши" номли мақоласида Бухоро ҳам 2500 ёшда эканлигини айтади. Шунингдек, Муҳаммад Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида Бухоро шаҳри ҳудудининг минг йил аввал ботқоқлик ер бўлиб, қуритилгач, Бухоро шаҳри барпо этилган, деб ёзганини айтади. Наршахийнинг китоби бундан минг йил аввал ёзилганлигини ҳисобга олсак, Бухоро шаҳри Самарқанднинг тенгдоши эмаслигининг, яъни 2500 ёшда эмас, 2000 ёшда эканлигининг гувоҳи бўламиз.

А. Муҳаммаджонов Бухоро вилоятининг оёқ томонида — чеккасида ўрнашган Пойкент шаҳри гўё эрамизнинг VI асрига қадар қишлоқ бўлгани, сўнг шаҳарга айланганлиги ва у қишлоқ, шаҳар сифатида 2200 — 2300 йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида ёзган. Бизнингча, бу ҳақиқатга тўғри келмас, чунки, манбаларнинг гувоҳлигига кўра, Пойкент шаҳри 5000-4500 ёшда эканлиги кўринади. Пойкент шаҳри араб тилидаги ёзма манбаларда Мадинатут тужжор, яъни "Савдогарлар шаҳри" деб, форс тилидаги ёзма манбаларда эса "Қалъаий рунн", яъни "Қўрғошин қалъа" деб аталган.

Самарқанддаги Афросиёб шаҳри харобаларини қазиб ўрганиш жараёнида қўлда пойдан ясаб, тирноқ билан тирнаб нақш солиб, ўтда пиширилган сопол идиш топилди. Бу идиш сўнгги бронза асрига — бундан уч минг йил аввалги даврга оидлиги аниқланди. Бинобарин, Афросиёб шаҳри — Самарқанд шаҳри аввал аниқланганидек, 2500 ёшда эмас, балки 3000 ёшда эканлиги исботланди. Тошкентнинг Форобий просвекти билан Қўштут маҳалласи орасида жойлашган Афросиёб тепаси — Шоҳнишинтепа (Афросиёб ўрдаси — шаҳри — қалъаси), Тошкентнинг Пролетар кўчасидаги Афросиёб ошхонаси — минг ўрик тепаси Самарқанддаги Афросиёб тепаси билан, бинобарин "Янги" Тошкент шаҳри Самарқанд шаҳри билан тенгдошдир. Самарқанд эса Бухоро билан тенгдош. Чунки Бухоро Арки Афросиёб ва Снёвушлар тарафидан барпо этилган бўлиб, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги Афросиёб тепаликлари — шаҳарлари билан бир вақтда барпо этилган. Демак, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари аввал ёзганимиздек, 2500 эмас, балки 3000 ёшда эканлиги кўринади. Аммо, буни исботлаш учун Тошкентдаги Афросиёб шаҳри — ўрдаси — Шоҳнишин тепаси билан Бухородаги Бухоро Аркида археологик қазиш ишлари олиб бориш керак. Шу орқали ёзма манбаларнинг маълумотлари тўғри ёки нотўғри эканлиги исботланиши мумкин.

Тошкент вилояти ҳудудида шелль давридан бошлаб Тош асрининг ҳамма даврларига оид ибтидоий маконлар топиб, текширив, ўрганилган бўлиб, бу Тошкент вилоятида тўрт миллион йилдан кўпроқ даврдан буён ибтидоий аждодларимиз яшаб келганликларидан далолат беради. Ҳозирги "Янги" Тошкент шаҳри ҳудудида эса, тош асрининг ҳамма даврига оид ёдгорликлар топиб, ўрганилган. Қорақамиш (Шойим кўприк) даҳасида, ҳозирги Тельман парки ҳудудида, Солар бўйларидан, Пролетар кўчаси ўрнидан тош асрига оид ёдгорликлар ва тош қуроллар топиб, текширилган. Бу Тошкент шаҳри ҳудудида уч миллион йилдан буён ибтидоий одам яшаб келаётганлигидан дарак беради. Археология институти ходимлари Тошкент ҳудудидаги қурилишларда, масалан, Тошкент метроси қурилишида археологик кузатиш ишлари олиб бораётганликлари йўқ. Келажакда "Янги" Тошкент ҳудудида ҳам тўрт миллион йиллар аввалги (шелль даври) ёдгорликлар ва топилмалар кашф этилса ажаб эмас... "Янги" Тошкент шаҳри уч-тўрт миллион йиллардан бери ибтидоий аждодларимиз яшаб келган маданий территорияда 2500 — 3000 минг йил аввал ташкил топган (шаҳар Эски Тошкентдан бу ерга кўчиб келган). Тошкент шаҳри дастлаб бундан 4000 йил аввал жез асрида ҳозирги Чиноз туманидаги Эски Тошкентда пайдо бўлган. Тошкент аслида 4000 ёшдадир!

Ҳозирги Самарқанд шаҳри ҳудудида ҳам Комсомол кўлини қазиш вақтида тош асрига оид маконлар ва тош қуроллар топилган! Бу — ҳозирги Самарқанд шаҳри ҳам тош асри давомида ибтидоий одам яшаб келган маданий ҳудудда 3000 йил аввал ташкил топганлигини кўрсатади. Самарқанд вилояти ҳудудида ҳам тош асри ёдгорликлари топиб текширилган. Бу соҳада келажакда ҳали кўп иш қилиниши лозим...

Бухоро вилояти ҳудудида уч миллион йилдан буён ибтидоий одам яшаб келаётганлигини исботловчи ёдгорликларни кашф этиб ўргандик. Буюк Хитой деворн каби мудофаа деворларининг харобаларини ҳам текширдик. Бухоро шаҳри ҳудудида тош асрига оид ёдгорликлар ҳали топилганча йўқ.

Сурхондарё вилояти ҳудудида ҳам тош асридан бошлаб ибтидоий одамлар яшаб келганликларини исботловчи ёдгорликлар топиб, текширилган. Жумладан, Тешиктош ғоридан Неандартал одами туридаги тўққиз ёшли боланинг тошга айланиб қолган қапла суяги — бошн топиб, текширилган.

Фарғона вилояти ҳудудида тўрт миллион йилдан буён ибтидоий одам яшаб келаётганлигини исботловчи ёдгорликлар топиб ўрганилган. Наманган ва Андижон вилоятлари территориясидан тош асри ёдгорликлари ҳали топилгани йўқ. Бу соҳада ҳали жиддий иш олиб борилаётган эмас. Фикримча, Андижон шаҳри 2500-3000 ёшдадир. Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ҳам ҳали тош асри ёдгорликлари топиб ўрганилгани йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тош асрига оид ёдгорликлар топиб текширилиб, матбуотда эълон қилинган.

Ҳар бир халқнинг қадимийлигини ўрганиш сиёсий, назарий ва илмий аҳамиятга эга. Шунинг учун мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳамма вилоятлари ҳудудида тош асри ёдгорликларини ва умуман, археологик ёдгорликларни ўрганиш юзасидан кенг миқёсда ишлар олиб бориш зарур.

Халилуллоҳ МУҲАМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 17

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ишимизда тартиб бўлади".
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Самарқандда меъморлар байрами". "Ўзбектелефильм" маҳсулоти.
19.35 "Ёшлар ижоди". Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театри артисти Ойбек Тошпўлатов.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Шукур Холмирзаев. "Қора камар". Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.25 "Ўзбекистон бастакорлари". Раҳматжон Турсунов.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:

18.30 "Бу бўстон аро...". Мусаввир Ф. Аҳмадалиев.
19.00 "Саломатлик — туман бойлик".
19.30 "Деҳқон ҳиммати".
20.00 "Сиз билан, Сизлар учун!".
21.00 — 22.05 "Ўрдак кўли воқеаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Ислоҳот одимлари".

"ОМАД" таништиради:

20.00 "Совға".
20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.50 "Суперспорт". 1-қисм.
21.20 Эълонлар.
21.25 Видео — "О".
23.00 Эълонлар.
23.05 "Курьер".
23.15 "Об-ҳаво ҳақида".
23.25 — 23.35 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Лабиринт". Шарқ — Ғарб. Россиянинг олтин ва савдо йўли.
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. И. Ситин.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тиғиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Агар...". Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55 — 23.30 "Сизга эзгулик ва бахт тилаймиз, дўстлар!". Украина фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган санъат усталарининг концерти.

Сешанба, 18

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Эрта келган турналар". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.20 "Фарғона нафаси". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 Гитара тароналари.
12.30 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!".
13.00 —15.00 "Синов даври". Телеканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.40 "Бозор иқтисоди сабоқлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Одобнома".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
21.40 "Шаҳар бедарвоза эмас..."
22.25 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
19.40 Видеогид.
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 —22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Санъат олами". Ўзбекистон халқ рассоми З. Иноғомов асарларининг кўргазмасида.
*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.15 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". Ўзбекистонлик созандаларнинг Австрияга сафари ҳақида.
21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.10 "Безнен мирас" (татар тилида).
22.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
23.00 — 23.30 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан". Туризмнинг ривожланиши ҳақида.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 "Веди".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. К. Орф.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тиғиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 23.25 Ғалабанинг 50 йиллигига. "Тирикларни чорлайман". Бадиий фильм. "Ташналик" (Одесса киностудияси, 1959 й.).

Чоршанба, 19

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Қадрдон қирғоқлар". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 "Кулол Раим бобо". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 "Муҳаббатим куйлайман". Лирик концерт.
12.40 — 14.40 "Биз танлаган йўл". Телеканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильмлар.
18.25 "Буюк Ипак йўли" — ҳамкорлик, дўстлик ва тараққиёт йўли".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.00 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:

18.30 Болалар студияси. "Уз ҳақингда гапир"
18.50 "Жонли тил".
19.50" Бизнес-банк".
20.05 "Тақдим".
20.25 "Тошкент оқшомида".
21.25 — 22.50 "Шаҳризоданинг охирги туни". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевидениеси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Буюк мақсад йўлида".
*
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.50 — 24.00 "ОМАД" таништиради: "Қитъа спорти". Дастурда:
— йирик халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари, Осиё ўйинларининг қатнашчилари билан суҳбатлар;
— спорт турлари ҳақида лавҳалар;
— ахборот ва эълонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Миниатюра".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Д. Туту.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тиғиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Йўқолганларни излаб". Л. Орлова.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Монолог".
21.50 Сизга аталган учрашув. О. Меньшиков.
22.30 Катталар учун мультфильмлар.
22.50 — 23.05 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

Пайшанба, 20

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Ефрейтор Збруевнинг етти қайғиси". Бадиий фильм.
10.35 "Болалигим — гулбаҳор".
11.20 Инглиз тили.
11.50 "Кўзда борму сеҳрингиз". Мусиқий кўрсатув.
12.30 — 14.30 "Маърифат". Телеканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 "Ютуқлар калити — тадбиркорликда".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Илҳом" телевизион клуби.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом кўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Сўнгги найранг". Бадиий фильм.
23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил ҳангома".
19.05 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.25 Видео янгиликлари.
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.30 — 22.30 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевиденнеси.
*
19.20 "Мультқарусель".
*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*

"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:

21.20 Камер оркестри таклиф этади.
21.50 "Умрбоқий қадриятлар". Ахлоқ ва одоб масалалари.
22.15 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва) — "Бавария" (Мюнхен). 2-тайм.
23.00 — 23.45 Футбол. УЕФА кубоги. "Динамо" (Москва) — "Реал" (Мадрид). 2-тайм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 "16 ёшгача ва ундан катталар".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. У. Нобиле.
18.50 Янгиликлар.
19.00 Тиғиз пайт.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 В. Ерофеевнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 Москва — Кремль.
22.00 — 23.30 Бадиий фильм.

Жума, 21

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Қизил қор еққанда..." Бадиий фильм.
10.15 Шеърий дақиқалар.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Немис тили.
11.20 "Соғлом авлод учун".
11.40 "Ёшлар ва замон".
12.15 — 14.15 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Қалбим наволари" Концерт.
18.35 "Қиш кутиб турмайди".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Самарқанднинг мовий гумбазлари". "Ўзбектеле-фильм" маҳсулоти.
19.35 "Тилга эътибор..."
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Таълим — мустақиллик пойдевори".
21.30 Мумтоз куйлардан концерт.
22.15 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II
"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:

18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.00 "Ёнғиндан сақланинг!".
19.30 "02" тўлқинида.
19.55 "Билиб қўйган яхши."
20.20 — 21.35 "Орзуларимиз қанотида". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевиденнеси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Хусусийлаштириш: янги йўналишлар". Бевосита мулоқот.
*
20.15 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*

"ОМАД" таништиради:

21.05 Эълонлар.
21.10 "Суперспорт". 2-қисм.
21.40 "Подиум".
22.05 Рок ҳақида.
22.35 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.30 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 "Инсон ва қонун".
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.05 — 23.05 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 7-серия.

Шанба, 22

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Бу разведкада бўлган эди". Бадиий фильм.
10.30 "Мактабимиз — фахримиз".
11.00 Осиё ўйинлари якунига бағишланган спорт кўрсатуви.
12.30 Абдулла Қодирий номидаги Маданият институти талабаларининг концерти.
13.10 — 13.40 "Ғурур".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. "Мунгли кўзлар"ни ўқиб...".
18.25 "Сиҳат-саломатлик".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 Лирик концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Санъат усталари концертн.
21.40 Бир асар тарихи. Одил Ёқубов. "Улуғбек хазинаси".
22.25 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.10 Видеогид.
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.50 "Омад" тақвими.
13.00 "Жозиба".
13.20 "Бир шингил ҳангома".
13.30 Видео янгиликлари.
13.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
14.40 "Кинонигоҳ".
***

"ТОШКЕНТ" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Спорт-тайм" видеоканали.
21.10 — 23.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

10.00 "Телеоператор нигоҳида".
10.15 "Умид" (уйғур тилида).
10.45 Япон куйларидан концерт.
11.15 — 12.15 "Замандас" (қозоқ тилида).
***
18.00 — 19.20 Туркия телевиденнеси.
*
19.20 "Мультқарусель".
*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 Хитой телевидениесининг кўрсатувлари.
20.55 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Анор меваси". Жаҳон тасвирий санъатида портрет.
21.50 "Рангинкамон". "Овози точик" газетаси — 70 ёшда" (тожик тилида).
22.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.35 "Бу ажиб дунё".
23.00 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.45 "Ўшангача ва ундан сўнг..."
19.40 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 2-серия (АҚШ).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Зигфельд. Эркак ва унинг аёллари". Телевизион бадиий фильм. 2-серия (АҚШ).
22.40 — 23.20 "Оқ тўп" клуби.

Якшанба, 23

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қувноқ стартлар".
9.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 89 — 90-сериялар.
12.00 "Кинотаҳририя" почтасидан.
12.45 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
13.05 "Халқ ижодиёти". Абдуқаҳҳор Раҳимов.
13.35 "Цирк! Цирк! Цирк!".
14.15 "Қўшиқ рақсга уланса".
14.45 — 16.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" — "Пахтакор".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.35 "Ойнаи жаҳонда".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Мультипанорама".
20.10 "Анор". Янги номлар. "Истиқлол" гуруҳи.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Шийпондаги учрашувлар".
22.15 "Холодильникда биров бор". Бадиий фильм.
23.30 — 24.00 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:

17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 "Хусусийлаштириш — давр талаби".
18.00 Эълонлар.
18.05 Видео — "О".
19.35 Эълонлар.
19.40 "Курьер".
20.00 "Об-ҳаво ҳақида".
20.10 "Постфактум".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 Эълонлар.
20.50 "Шарқ дурдоналари".
21.20 "Даракчи".
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.05 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Манбалар". Шарқ ва Европа маданиятининг ўзаро таъсири ҳақида.
11.40 — 12.10 "Тараққиёт сирлари". Исроилда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши тажрибасидан.
***
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.55 "Дунё эшиги". Миср иқтисодиёти.
21.35 "Интерпартнёр". Голландия ва Германия қўшма корхоналари ҳақида.
22.15 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.30 "Колумб кашф этган дунё". 2-кўрсатув.
23.15 "БМТ — тинчлик қўрғони".
23.45 "Бу ажиб дунё".
24.00 — 00.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 Телефильм.
18.25 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
19.25 "Бутун Россия".
20.00 Ален Депон "Самурай" бадиий фильмида (Франция — Италия, 1967 й.).
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

AI FAROSAT TECHNOLOGY INTERNATIONAL

ЎЗБЕК — АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

MZ PACIFIC Inc., USA КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

НАЗОРАТ КАССА АППАРАТЛАРИ (SHARP, ROYAL, SAMSUNG)

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИГА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ЮҚОРИ САВИЯЛИ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ, ЗАРУР БЎЛАДИГАН ҚИСМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАЙМИЗ.

КАССИРЛАР, СОЛИҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ ВА ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ТЕХНИКЛАРНИ ЎҚИТАМИЗ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ШАҲАР, ВИЛОЯТ ВА ТУМАН МАРКАЗЛАРИДАГИ ВАКИЛЛАРНИ КАССА АППАРАТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШДА ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

СЎМНИ БОШҚА ПУЛГА АЛМАШТИРИШГА ЁРДАМ БЕРАМИЗ.
СИЗНИНГ ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАГИ ҲИСОБЛАРИНГИЗНИ ТЎЛАЙМИЗ

БИЗНИНГ ДОИМИЙ ИШЛАЁТГАН КАССА АППАРАТЛАРИ САВДО КЎРГАЗМАМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИНГ.

МАНЗИЛИМИЗ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083, БУЮК ТУРОН КЎЧАСИ, 41.

БИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАР: 33-91-92, 33-65-07, 32-55-18

Ғаройиб дунё

МЕЧКАЙЛАР

• БЕРЛИН шаҳрида истиқомат қилувчи Адольф Фербринггар ковурилган гоз гўштини жуда яхши кўради. 45 йилдан бери у ҳар куни тушликка биттадан гоз гўшти истеъмол қилади. Адольф шу даврда 16 минг 435 та гозни "тинчитгани"ни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

x x x

Бланкил оролларидан бирида яшовчи Жоано Негрин ҳам ёз туймаслар хилидан экан. У эрталабки нонуштага 3 килограмм пиширилган картошка ва 5 қадоқ чўктирилган (тушёнка) гўштни паккос туширади. Сўнг уларни танасига бироз сингдириш мақсадида 4 литр маҳаллий пиво ва 1 килограмм мева истеъмол қилгачгина ўзини тўқроқ ҳис этади.

Тушлик пайтида эса 1,5 литр винони 1,5 кило пиширилган гўшт қиймаси ва 2 кило ч чка гўшти билан тинчитади. Кечқурун кўпам ошқозонига жабр қилмайди. Яъни 3 килограммча ҳўл мевани тўйиб ейди холос.

Негринни тиббий кўрикдан ўтказишган эди, у мутлақо соғлом чиқди. Унинг "касали" фақат меъёрга риоя этмасликдир, деб ёзади Испанияда чоп этиладиган "Паис" газетаси.

x x x

Оғирлиги 145 кило бўлган Анжела Мадзини "Сало — 1990 хоними" унвонига сазовор бўлганлардан. Негаки, италиялик бу аёл кунига 10 литр сут истеъмол қилиб, бир ўтиришда 10 дона тухумни кўрдим демайди. Шуниси ажабланарлики, Мадзини нафақа ёшида бўлишига қарамай рок рақсига тушишни жуда ёқтиради.

x x x

Испаниялик Пруденсие Рубиален исмли йигит дўсти билан катта пулдан гаров бойлашиб, 30 та тухумни ютди, 2 килограмм нон, 500 грамм ёғ еди. Шунча н рсанинг устига 6 қадах коньяк ва 2 литр винони ҳам "тинчитди". Рубиален гаровда ютишга ютди, лекин 3 кунгача овқатни кўрса кўнгли айниб юрди.

x x x

Уганданинг Какеренг қишлоғида яшовчи 60 ёшли хайдовчи Нсереко ҳам гаров ўйнаб ғолиб чиқди. У пиширилган катта хажмдаги 60 та тухумни ярим соат ичида паккос туширишга ташлади. Газагига эса улкан ананасни афзал кўрди. Сўнг 2 литр мева шарбатини ютоқиб-ютоқиб симирди.

Агар тухумни пўчоғидан тозалаб берувчилар имиллашмаганда бундан ҳам қисқа вақт ичида еб ташлаган бўлардим, дейди Нсереко ўзининг бу рекордига қониқмаган ҳолда.

ОҒИР ВАЗНЛИЛАР НИКОҲИ

• ИРЛАНДИЯНИНГ Уотерфорд шаҳрида шундай бир оила бор, ҳаётда жуда камдан-кам учрайди бундай оила. Эр-хотин Флинтларнинг биргаликдаги вазни 2 0 килодир. Улар яккаю-ягона фарзандлари — Виржинияни янги ҳаётга кузатишганига ҳам хали кўп бўлгани йўқ. Бунинг нимаси қизик, деб ўйларсиз. Гап шундаки, оғир вазнли отанинг оғир вазнли (105 кг.) қизига ҳам муносиб куёв топилди. Куёв боланинг вазни "бор йўғи" 128 килограмм.

ОЗИШ УЛАР УЧУН ҲЕЧ ГАП ЭМАС

• ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА озиш бўйича рекорд америкалик Онито Колбага тегишли эди. Бу аёл 15 ойда 70 килограмм озганди. Энди бу антика "беллашув"да Филиппинда яшовчи Эрма Росси ғолиб, деб хисобланмоқда. У бир йилда 77 килога ўз вазнини камайтирган. Шунингдек, Лондондаги пиво барнинг сохиби Ален Мено исмли аёл ҳам роппа-роса 50 килога озган. Энди 16 ёшли қизи кийган кийимлар ҳам унга бемалол сиғаверади. Бунчалик озиш учун унга 1,5 йил керак бўлди.

Акмал Икромов туманидаги "Фазилат — 62" номли жамоа гўшт дўконининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ДИҚҚАТ!

"ЎЗБЕКГАЗАВТОМАТИКА" ЗАВОДИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

маиший газ горелкалари, АКГВ-23,2 маркали иситиш печлари, 4 конфорали газ плиталари, сув қиздириш титанлари ҳамда буюртма бўйича регистрларни

СОТАДИ

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ:

Тошкент шаҳри 700156, Чилонзор даҳаси, 20-мавзе.13, 69, 87, 94 автобуслар, 19, 23 троллейбусларнинг "Заргарлик" заводи бекати.

"ЎЗБЕКГАЗАВТОМАТИКА" ЗАВОДИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

"Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Тошкент вилояти бўйича ўз мухбири Абдунаби Маннаповга онаси

Лутфи ая МАННОПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва марҳуманинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига сабр-бардош тилайди.

"Ўқитувчи" нашриёт жамоаси Рус тили ва адабиёти таҳририятининг катта муҳаррири Р. Пўлатовага онаси

Ҳалича Исматуловна ЮНУСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; ; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00. Г — 1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

1 2 3 4 5 6.